

Зухра АРИПОВА,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доценти, тарих фанлари номзоди*

МИСР МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517)ДА ДАВЛАТ ТИЗИМИ



Мовароуннаҳр халқлари ва Мисрни, гарчи орадаги масофа узоқ бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Яна шуни эътироф этиш керакки, умумжаҳон тарихининг шаклланишида аجدодларимизнинг, муносиб ўринлари бор. Ҳозирги кунда Мисрнинг ўрта аср тарихига кизиқиш тобора кучайиб, бу борада жаҳонда ва республикамизда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ўрта асрлар тарихида муҳим ҳисобланган мамлуклар бошқаруви даври 1250-1517 йилларни қамраб олган бўлиб, бу ҳукмронлик икки – баҳрийлар (1250-1382) ва буржийлар (черкеслар) (1382-1517) бошқарган даврни ўз ичига олади.

Баҳрий мамлук султонлари айюбийлар бошқарувининг бюрократик тизимини мерос қилиб олди, лекин улар ташкил этган давлат анча марказлашган эди. Янги тамойилларга мувофиқ мамлуклар давлат институтларини қайта ташкил этдилар. Давлат бошқарувида мамлуклар ҳарбий тизимга асослангани боис, асосий кучли лавозим эгалари ҳарбий кучга

эга эди. Бошқарувдаги асосий лавозимлар мамлуклар ва улар назорати остидаги оддий одамлар томонидан тўлдирилган.

Мамлуклар Миср ва Суриянинг сиёсий ва маъмурий бирлашувини таъминлай олишди, бу эса Аюбийлар конфедератив тузумига қараганда мамлук султонларининг марказлашган ҳарбий тизимига эга эканлигини кўрсатади. Бундай тизим мамлукларга икки географик ва тарихий ҳар хил минтақаларни кучли сиёсий иттифоққа бирлаштиришга имкон берди¹.

Мамлук Султонлиги давлат бошқаруви том маънода уч қисмга – ҳарбийлар (қилич эгалари), гражданлар (қалам аҳли), дин вакилларига бўлинган².

¹ Clifford W.W. State Formation and the Structure of Politics in Mamluk Syro-Egypt, 648 – 741 AH / 1250 – 1340 AD. – University of Dealing with Reality: Early Mamluk Military Policy and the Allocation of Resources Chicago, Department of History, 1995; Ayalon D. The Mamluk Military Society. – London, 1979.

² Riley-Smith J. The Atlas of the Crusades (editor). – London and New York, 1991. – P. 110 – 111; Irwin R. Mamluks and Crusaders: Men of the Sword and Men of the Pen / By Robert Irwin. Surrey and Burling. – VT: Ashgate Variorum, 2010. – 384 p.; Levanoni A.A Turning Point in Mamluk History: The Third Reign of Al-Nasir

Мамлуклар даврида султон давлатнинг ҳам диний ҳам дунёвий томондан бошқарувчиси бўлиб, мусулмонларнинг диний бошлиғи сифатида султон имом деган номга ҳам эга эди.

XII аср охирида Миср султонлари ислом дунёсида катта обрўга эга эдилар. Улар муқаддас шаҳарларнинг ҳомийси бўлишган, Каъба учун кiswa (Каъба ёпқичи) юборишган. Бу ўрта аср ислом тарихида биринчиликнинг нишонаси эди. Буни эса уларга асосий лавозимдек “*Ходим ал-ҳарамайн*” (икки муқаддас масжид хизматчиси) номини берарди. Биринчи бўлиб бу ном аббосий халифа ан-Носир билан Салоҳ ад-дин ўртасидаги келишмовчиликда қабул қилинган. Бошиданок бу ном халифага қарши кўйилиб, унга тенглаштирилган “ислом султони” ни англатарди³.

Қоҳирага аббосий халифалик кўчирилгач, халифанинг муқаддас шаҳарлар бўлмиш Макка ва Мадина томонидан ҳукмронлиги тан олинган ҳисобланарди. У ҳамма мусулмонларни ҳимоя қилиши, ҳаж зиёратчиларига ёрдам бериши, муқаддас шаҳарларга эътибор қаратиши лозим бўлган. В.Бартольднинг таъкидлашича, “халифаларнинг ҳукмронлиги унинг бошқарувидаги қудрати ва характери билан аниқланарди”⁴. Лекин Қоҳирадаги халифаларнинг Қурайш қабиласидан чиққан эканлигидан бошқа ҳеч қандай ҳуқуқ, эътиборга олинмасди.

Шуни айтиш жоизки, халифа ўз обрў-эътибори билан султон ҳокимиятига сайқал бериб туриши керак эди. Шу мақсадда биринчи навбатда халифа ташқи киёфасига чизгилар беришга ҳаракат қилганлар унинг

номи тангаларда акс этган, у масжидда жума намозини бошловчиси (имом) сифатида қатнашарди. Макка ва Мадинада Хутбада Мисрдаги халифани эсга олмай, фақатгина султон номи ўқиларди. Халифа султонни ҳарбий юришларда кузатиб борарди. Бу ҳарбий кўшиннинг руҳий ҳолатини кўтариши учун керак эди.

Мисрдаги халифалик каттагина аҳамиятга эга эди. XIII аср ўртасида Айюбийларни мамлук ҳарбий бошлиқлари тахтдан ағдариб, ҳокимиятни қўлга киритганларидан сўнг, буни қонунийлаштириш учун халифа зарур эди. Халифани Қоҳирага олиб келиниши ҳамда олиб борилган фаол ташқи сиёсат туфайли, мамлук султонлари ислом оламида каттагина мавқега эришганлар. Миср султонлари ва Аббосий халифалари ўртасидаги муносабатларни ижтимоий демагогиянинг ўзига хос бир кўриниши деб таърифлаш мумкин.

Аз-Зоҳирийнинг фикрича мамлук султонлари қуйидаги 10 та қоидаларга амал қилиши керак эди:

- 1) Ноҳақлардан ҳимоя қилган ҳолда исломни сақлаш;
- 2) Порт, қалъа ва муҳофазаларга эътибор билан қараш;
- 3) Қўзғолончиларни йўқ қилиш;
- 4) Мусулмон ҳуқуқи бўйича ман қилинган ишларни амалга оширганларни жазолаш чоралари;
- 5) Шариат қоидаларига қаттиқ риоя қилиш;
- 6) Ҳар йили Каъбага ёпиладиган кисванинг тайёрланишига эътибор бериш;
- 7) Ҳазинага келадиган пулларни синчиклаб кузатиш;
- 8) Иқтидорли ва донишманд кишилар маслаҳат ва хизматларидан фойдаланиш;
- 9) Ғализ ҳолатлар ва ноҳақликнинг олдини олиш;
- 10) Вазиятдаги ўзгаришлар ва ҳодисаларни назорат қилиб, жойлардан ахборотларни олиш⁵.

Muhammad Ibn Qalawun (1310 – 1341). – Brill, 1995. – P. 11 – 12; Levanoni A. The Mamluks in Egypt and Syria: The Turkish Mamluk sultanate (648 – 784/1250 – 1382) and the Circassian Mamluk sultanate (784 – 923/1382 – 1517) // The New Cambridge History of Islam. – Vol.2. – The Western Islamic world: eleventh to eighteenth centuries. Edited by Maribel Fierro. – Cambridge: Cambridge University Press, 2010. – P. 241 – 242.

³ Lewis Bernard. Khadim al-Haramayn. – The Encyclopedia of Islam. Ж.4. – Б. 899

⁴ Бартольд В.В. Халиф и султан. // Бартольд В.В. – Сочинения. Т. VI. – Москва, 1966. – Б. 43-77.

⁵ Халил ибн Шаҳин Аз-Зоҳирий. Китоб зубдат кашф ал-мамалик ва байон ат-туруқ ва-л-масолик. – Париж: Раваис, 1894.– Б.58-59. , Хасанов А.А. Система управ-

Султон диний бошлиқ ҳам бўлиб, тўртта мазҳаб қозиларини, Қоҳирадаги муфтийлар⁶ни ва шофеъий муфтийси учта васийлик Шом вилоятлари: Дамашқ, Ҳалаб ва Триполида шофеъий муфтийни тайинлаган.

Султон бош қози ҳам эди. У ўз қўл остидагиларнинг ҳимоячиси ҳисобланиб, уруш эълон қилган ва шу билан бирга тинчликка аҳдлашган. У мамлакатнинг ички сиёсатида муҳим қарорларни чиқарарди, амалдорлар унга тобеъ бўлган. Султон шунингдек ташқи сиёсатни белгилаган ва элчиларни қабул қилган.

Мамлакат бошқарувида энг кучли таъсир кўрсатувчи доиралар ҳарбийлар эди. Давлат бошқарувининг бошқа қисмлари ушбу ҳарбий маъмурият амалдорлари томонидан доимий назорат остида бўлган. Давлат бошқаруви тепасида султон ва у билан бирга 24 та катта мамлук амирларидан иборат Кенгаш бўлган. Султоннинг давлат раҳбари сифатида ваколатлари қаторига аниқ қонуний талаблар ва умумий қоидалар бериш, урушга киришга қарор қилиш, солиқ йиғиш, султон салтанати бўйлаб озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш ва бошқалар кирарди⁷.

Султоннинг биринчи вазифаси исломни ҳимоя қилишдан иборат бўлган. У ўзи яққа ҳоким бўлса-да, муҳим масалаларда кенгаш аъзолари билан мунозарадан сўнг қарор қабул қилган. Бу кенгаш “*Машвар ас-салтана*” ёки “*мажлис ас-салтана*” – “Султон кенгаши” деб аталган. Кенгаш аъзолари отабек, халифа, вазир, тўртта мазҳаб қозилар ҳамда юзбошилардан иборат бўлиб, унинг раиси султоннинг ўзи эди⁸. Агар султон ёш бўлса, мажлисни унинг

ноиб бошқарган. Урф бўйича султоннинг ўзи нутқ сўзламаган, чунки агар унинг фикри билан қайсидир бир амир келишмаса, унинг обрўсига путур етиши мумкин эди. Султон номидан одатда мушовир (маслаҳатчи) сўзга чиққан.

Кенгаш вазифаларига уруш эълон қилиш, тинчлик ўрнатиш, ноиб ёки бошқа юқори мансаб амалдорлари номзодини муҳокама қилиш каби масалалар кирган. Шу билан бир қаторда султон кенгаш чақирмасдан ўзи шахсан қарор қабул қилиши ҳам мумкин бўлган. Султон атрофидагилар сарой айёнилари бўлиб, султондан кейинги одам, унинг ўринбосари султон ноиб эди. Султон билан биргаликда ноиб мамлукларнинг амирлик даражасини кўтариши билан боғлиқ масалаларда қатнашган. Одатда ноиб султонга янги тайинланган мансаблардаги кишиларнинг рўйхатини кўрсатар, султон камдан-кам ҳолларда унинг кўрсатган номзодига қарши чиққан. Назарий жиҳатдан султон ёрдамчиси мамлакатдаги ишларни назорат қилувчи ва амалга оширувчи биринчи шахс бўлган. У шунингдек, қўшин ишлари бўйича девон мажлисига раислик қиларди. Султон ноиб ҳақида ўрта аср тарихчиси Ал-Қалқашандий “Мухтасар султон, лекин у иккинчи султон – деб ёзган⁹. Ван Берчемнинг таъкидлашича: “Ҳақиқатан султон ноиб Мисрдаги хизматчиларнинг бошлиғи ва унга мамлуклар давлатининг чекка минтақаларидаги султон ноиблари ҳам бўйсунган”¹⁰. Султон ноибига “*Кафил ал-мамлакат аш-шарифа ал-исломийя*”, шунингдек “*малик ал-‘умаро*”, “*но’иб ас-салтана муа’ззима, ал-амир ал-омирий*” деган лақабларни беришган¹¹. Ноибликнинг бошқа бир кўриниши “*Нийаба ал-ғайба*”, яъни султон сафарда бўлган вақтда унинг вазифасини бажарувчи бўлиб, у агар

ления и суда в мамлюкском Египте конца XIV начала XVI в. // История и экономика стран Арабского востока и Северной Африки. – М.: Наука, 1975. – Б. 369

⁶ Ҳар бир мазҳабга биттадан

⁷ Holt P. The Position and Power of the Mamlūk Sultan / Bulletin of the School of Oriental and African Studies. – University of London. – Vol. 38. – No 2. – 1975. – P. 237 – 249; Ibid. Holt P. The Position and Power of the Mamluk Sultan / In Hawting G.R. Muslims, Mongols and Crusaders: An Anthology of Articles Published in the Bulletin of the School of Oriental and African Studies, 2005. – P. 138 – 150.

⁸ ‘Абд ал-‘Азиз ‘Абд Ад-дойим. Ал-хйял фи хуруб

давлат ил-мамалик. –Қоҳира:Мактаба наҳда аш-шарк, 1983– Б.16.

⁹ Шаҳоб ад-дин Ал-Қалқашандий. Китоб субҳ ал-‘А’ша фи қавонин ал-‘инша’и. Ж.2. Қоҳира, 1913-1919. – Б.135-138

¹⁰ Van Berchem. Matériaux pour un Corpus Inscriptionum Arabicarum. –Le Caire, 1824. – Б.226

¹¹ Lane PooLe. The Art of the Saracens. – Б.29.

султон овга ёки қўшинни урушга бошлаб кетган бўлса, султон каби нуфуз ва ҳуқуқга эга бўлган.

Мамлакатни бошқариш масалалари бўйича муҳофаза ноиблари ёзишмаларни султон ёрдамчиси билан олиб боришган.

Султон саройида *ҳожиб ал-ҳужаб* (бош ҳожиб) муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу лавозимни одатда юқори мартабали мамлук амири эгаллаган. Бош ҳожибнинг асосий вазифаси хорижий элчилар ёки бошқа зиёратчиларнинг султон билан учрашувини таъминлаш, шунингдек қўшин таркибини кузатиш, амир ва ҳарбий аскар ўртасидаги асосан иқтоъ масаласидаги келишмовчиликни бартараф этишдан иборат эди. У ўзи, султон ёки унинг ноиби билан келишган ҳолда қарор қабул қилган. А.Ҳасановнинг таъкидлашича: “Султон Барқуқ черкеслар вақтида амирлар суиқасди, фитналари кўпайиб кетгани сабабли баҳрий мамлуклари даврида уч-тўртадан ошмаган бош ҳожиблар сонини олтигагача кўпайтирган. Барқуқ бош ҳожиблар сонини оширишда, албатта уларнинг барча томонлама қўллаб қувватлашларини инобатга олганди”¹².

Султон Фараж ҳукмронлигида бош ҳожиблар сони саккизтага етди, бу вақтда ҳожибларнинг вазифалари кенгайиб, улар қозилардан баъзи суд ишларини олиб қўйиб, ҳаттоки фуқаролар ҳуқуқларида ҳам қарорлар қабул қилар эдилар.

Саройнинг йирик амалдорларидан бўлмиш даватдор (ижрочи котиб)

султон ёзишмаларини кузатган, устадор-сарой хизматларига, хазинадор (бош хазиначи) эса султон бойликларини сақлашга масъул бўлган.

Мамлакатни бошқаришда султон-вазир раҳбарлик қиладиган девон ёрдамида амалга оширган. Илк мамлук давлати вақтида вазир энг улуғ лавозим ҳисобланган, бироқ черкеслар ҳукмронлиги ўрнатилгач, унинг

аҳамияти пасайган. Ўрта аср тарихчилари ал-Қалқашандий, ал-‘Умарий, ал-Макризий вазирга қуйидагича таъриф беришади: “У олий хизматчи, султондан кейинги одам, малик мақсуд эшикбони, нотиқ, қўли узун шахс”¹³. Ўз қўлига ҳамма ҳокимиятни олган Султон Барқуқ олдинги вазир амалга оширган ишларни тўртта аён даватдор, устадор, *нозир ал-хос* (султон уй ишларини юритувчиси) ва вазирга бўлиб берган¹⁴.

Вазир назоратида алоҳида девонларгина қолган. Шунингдек у султон ошхонаси учун озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга ҳам қараган.

Султоннинг қароргоҳи Қоҳира шаҳрида бўлган. Бу шаҳар Мисрдаги ягона йирик ҳукумат маркази эди. Мамлуклар ҳукмдорлиги идоравий муносабатда муҳофазаларга бўлиниб, учтаси Мисрда, еттитаси Сурияда эди. Ҳар бир муҳофазалар султон томонидан тайинланган ноиб (ҳоким) томонидан бошқарилган. Султон ноиб тайинлашда катта эътибор қаратган, улар ҳамиша катта амирлардан сайланган. Ноибларнинг қароргоҳи муҳофаза марказида жойлашган. Ноиблар ўзларининг сарой ва девонларига эга бўлган. Шомда бирорта ҳам ҳоким йўқ эди. Унинг муҳофазалари орасида Дамашқ обрўлироқ бўлиб, вазир, бош сарой айёни ва бошқаларга эга эди¹⁵. Расман ноиблар ўз муҳофазаларида дунёвий ва диний бошқарувчи бўлган. Бироқ мамлук султонлари ноибларнинг бебошликларидан қўрқиб, уларнинг вазифаларини ҳар томонлама чеклашга ҳаракат қилган. Агар аввалги вақтларда Дамашқ ноиби Баалбек, Иерусалимга ҳокимларни тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, кейинчалик бу ҳуқуқ фақат султон томонидан кучга кирган. Ноиблар бешбоши ва

¹² Хасанов А.А. Социально-политический строй мамлюкского Египта, при черкесских султанах (1382-1517). Автореферат дисс. на соиск. канд. ист. наук. – М., 1975. – Б.18

¹³ Шаҳоб ад-дин ал-‘Умарий. Масолик ал-абсор фи мамолик ал-амсор. Ж.5. – Қоҳира: Дор ал-кутуб, 1964. – Б. 439.

¹⁴ Ҳаким ‘Абд ас-Са‘ид. Қиём давлат ал-мамолик ас-сонийя. – Қоҳира: Ал-Ҳай‘а ал-мисрийя, 1967. – Б.118

¹⁵ Шаҳоб ад-дин Ал-Қалқашандий. Китоб субҳ ал-‘А‘ша фи қавонин ал-‘инша‘и. Ж.12. Қоҳира, 1913-1919. – Б.24

ўнбоши каби амирларнинг пастки табақаларига унвон бериши мумкин эди, қирқбоши амир деган унвонни мамлуклар ноиблар тавсияси билан фақат султондан олишган.

Ҳамма бош қозилар, муҳофаза муфтийлари, султон томонидан тайинланган. Ноиблар уламоларни фақатгина масжидларда хатиб ва бошқа майда диний лавозимларга қўйишган. Мисрда баҳрий мамлуклар даврида ноиб бошқарган мустакил муҳофаза йўқ эди. Бу даврда фақатгина Искандария ҳукмдорини муҳим томонларини инобатга олиб, баъзида ноиб деб аташган¹⁶. Черкес сулоласининг биринчи султони қуйи Мисрда муҳофаза маркази Даманхур шаҳри ва бадавийларнинг тез-тез қаршилиқ кўрсатиб турганликлари сабабли Бухайра шаҳарларига икки ноиб таъйинлади. Султон Барқук лавозимларга катта эътибор қаратди, чунки бу икки муҳофаза “уруш вилоятлари ўчоғи” ҳисобланган¹⁷.

Мисрнинг иқтисодиёти кишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларга асосланганди. Шунга кўра ўрта аср тарихчиси ал-Макризий Мисрдаги очарчилик ва унинг сабаблари ҳақида хикоя қилувчи “Китоб ифосат ал-умма би-кашф ал-ғумма” (“Халқнинг қийинчиликлар туфайли абгор ҳолати ҳақида китоб”) номли асарида бу даврдаги аҳолини қуйидаги тоифаларга ажратади: биринчи тоифа - юқори лавозимдаги кишилар (*саҳл ад-давла*); иккинчи тоифа - йирик савдогарлар (*аҳл ал-йасар мин ат-тужжар*) ёки бойлар (*улу ан-ни’ма мин зави ар-рифахиййя*); учинчи тоифа – сотувчилар (*ал-ба’а*), ўртача савдо қилиб, кун кўрувчилар (*мутаваасситу ал-хал мин ат-туджжар*), шунингдек, маошга кун кўрувчилар (*асхаб ал-мава’иш*); тўртинчи тоифа – деҳқонлар (*аҳл ал-филх*), фермерлар ва кишлоқ аҳолиси (*аҳл аз-зира’ат ва ал-ҳарс*) ва кишлоқ аҳолиси (*суккан ал-қура ва ар-риф*); бешинчи тоифа

– камбағаллар (*ал-фуқара*) шу жумладан, фақиҳлар (*ал-фуқаҳа*) ва талабалар (*туллаб ал-илм*); олтинчи тоифа – хунармандлар (*арбаб ас-сана’и*), ёлланма ишчилар (*ал-иҷра*) ва хизматкорлар (*асхаб ал-миҳан*); еттинчи тоифа эса, камбағал-бечоралар (*ал-мискина*), тиламчилар (*ас-су’аал*)¹⁸. Ал-Макризий “Китоб ал-мавоиз ва-л-иътибор би-зикр ал-хутат ва-л-осор” “(Қохирами) маҳаллалари ва ёдгорликлари билан тавсиф этишда насихатомуз китоб”) асарида Миср ерлари еттита тоифага бўлиниши ҳақида хабар беради: 1) Султонга тегишли бўлган ерлар – (*ал-хосс*); 2) амирлар ва қўшинлар (жунда) икгоъси; 3) вақф ерлари; 4) эгалари ўз эҳтиёжи учун (ўзини боқиш учун) ишлатган (*аҳбас*) ерлар; 5) сотиб олинган ер - (*мулк*); 6) ишлов берилмаган ерлар; 7) қумли, чўлли ерлар¹⁹.

Хулоса қилиб айтганда, аслида султон якка ҳукмрон бўлсада, муҳим масалаларда кенгаш аъзолари – отабек, халифа, вазир, тўртта мазҳаб қозиси ҳамда юзбошилар билан мунозарадан сўнг қарор қабул қилган.

Давлат бошқарув тизими тўлалигича ислом характерида бўлган. Халқ оммаси диний ва дунёвий бошқарув ўртасидаги фарқни билмаган. Бу эса ўз навбатида мамлукларга шариятнинг қатъий ҳукмларидан фойдаланиб, давлатни бошқаришга кенг имкониятлар берган.

¹⁸ نقى الدين أبو العباس أحمد بن علي بن عبد القادر العبيدي المقرئى. كتاب إغاة الأمة بكشف الغمة. المحقق كرم حلمي فرحات. القاهرة: عين للدراسات والبحوث الإنسانية والاجتماعية. ٧٠٠٢ - ص. 27-37

Абу Аббас Таки ад-Дин Ахмад Али аль-Макризи. Книга об истощении народа по причине бедствий. /Цит. по: Бунятов З.М. Избранные сочинения в трех томах. – Баку, 1999. – Т. 3. – С. 198.

¹⁹ <http://www.vostlit.info/Texts/rus12/Makrizi/text1.phtml?id=869>

¹⁶ Можид ‘Абд ал-Мун’им. Нузум давлат салатин ал-маллик ва русумихим фи Миср. – Ж.1. – Қоҳира: Мактабат ал-анжалу ал-мисриййа, 1964-1967. – Б.87

¹⁷ Ҳаким ‘Абд ас-Са’ид. Қиём давлат ал-мамолик ас-со-ниййа. – Қоҳира: Ал-Ҳай’а ал-мисриййа, 1967. – Б.119